

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВ МАНСУР АБДУСАТТАРОВИЧ

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ЛАТЕКС БИЛАН
МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ИШЧИЛАРДА КАСАЛЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Мансур Абдусаттарович

COVID-19 пандемияси шароитида латекс билан мулоқотда
бўлган ишчиларда касалликлар профилактикасини
гигиеник асослаш.....

3

Абдуллаев Мансур Абдусаттарович

Гигиеническое обоснование профилактики заболеваний
у работников, контактирующих с латексом в условиях
пандемии COVID-19.....

21

Abdullaev Mansur Abdusattarovich

Hygienic Justification for the Prevention of Diseases in
Workers Contacting with Latex During the COVID-19
Pandemic.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЕВ МАНСУР АБДУСАТТАРОВИЧ

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ЛАТЕКС БИЛАН
МУЛОҚОТДА БЎЛГАН ИШЧИЛАРДА КАСАЛЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1891 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Искандарова Гулноза Тулкиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эрматов Низом Жумакулович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси. 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда барча соғлиқни сақлаш муассасалари тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш ва иш жойида инфекцияни юктиришнинг олдини олиш учун инфекцияларнинг олдини олиш ва назорат қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) мамлакатларни касб касалликлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳатларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш учун зарур чораларни қамраб олишни кенгайтиришга чақиради. Муаллифлар маълумотларига кўра «...тиббиёт ходимлари кимёвий бирикмалар, дори воситалари ва турли латекс буюмлари билан мулоқотда бўлганлари туфайли «профессионал хавф» гуруҳига киради...»¹. «...Метакрилатлар, резина қўлқоплари аллергиялари, табиий каучук латекс оксиллари потенциал аллергиялари мойил ходимларда каварчиқлар ва профессионал астмага олиб келади...»². Шунинг учун COVID-19 пандемияси даврида латекс билан мулоқотда бўлган ишчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишни гигиеник асослаш ва тиббиёт ходимлари ўртасида касбий касалланишни камайтириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиш замонавий профилактик тиббиётнинг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 пандемияси шароитида латекс билан мулоқотда бўлган ишчиларда касалликлар профилактикасини гигиеник асослаш бўйича катор мақсадли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада махсус тузилган сўровномалар бўйича тиббиёт ходимлари орасида ижтимоий сўровларни ўтказиш, тиббиёт ходимлари орасида латексга аллергия ривожланганда хавф омилларини аниқлаш, латекс билан мулоқотда бўлган тиббиёт ходимлари орасида латексга сезувчанлик тарқалишини аниқлаш ҳамда саломатликка таъсир қилувчи профессионал хавфни минималлаштириш, ходимлар умумий ва касбий касалланишини камайтириш бўйича профилактик чоралар тизимини илмий асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, юқумли бўлмаган касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича

¹Берулава М.З., Даниелян Э.С. Аллергические заболевания работников ЛПУ: факторы риска в профессиональной деятельности медицинских работников Bulletin of Medical Internet Conferences (ISSN 2224-6150) 2020. Volume 10. Issue 2. P. 46

² Sich D.A., Staruseva V.V. Integracion de las ciencias fundamentales y aplicadas en el paradigma de la sociedad post-industrial 2020. Barcelona, Espana. P. 51-52

илмий изланишлар олиб бориш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тиббий ёрдам сифатини юқори даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, профессионал хавф билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, ҳаётга хавф солувчи ҳолатлар частотасини камайтириш, аҳоли ҳаёт давомийлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда тиббиётнинг барча жабҳаларида юқори технологик ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишга қарамай, тиббиёт муассасаларида касб касалликлари хавфи юқори даражада қолмоқда. Қатор нашрлар тиббиёт ходимлари саломатлигини сақлаш ва турли мутахассисликлар ходимларининг саломатлигини мустақамлаш муаммосига бағишланган, латекс таъсирига учраган ТХ да қўл дерматити (имконият нисбати - ИН 2,46; ишонч интервали – ИИ 95%; 2,11–2,86), астма ёки хуштаксимон нафас (ИН 1,55; ИИ 95%; 1,15–2,08), риноконъюнктивит (ИН 2,73; ИИ 95%; 1,97–3,81) ва камида битта умумий симптом (ИН, 1,27; ИИ 95%; 1,09-1,47), юқори хавфи кузатилган, латексга сенсбилизация астма ва риноконъюнктивит билан сезиларли даражада боғлиқ бўлган (Jean Bousquet, Antoine Flahault, Olivier Vandenplas, Jacques Ameille, Jean-Jacques Duron, Corine Pecquet, Karine Chevré, Isabella Annesi-Maesano, 2006), тиббиёт ходимлари ва сезгир беморлар орасида латексга сезувчанлик тарқалиши юқориликча қолмоқда (Claudio A.S. Parisi, Kevin J. Kelly, Ignacio J. Ansotegui, Sandra Nora Gonzalez-Díaz, Maria Beatrice Bilò, Victoria Cardona, Hae-Sim Park, Maria Chiara Braschi, Alejandra Macias-Weinmann, Mario A. Piga, Nathalie Acuña-Ortega, Mario Sánchez-Borges, Anahí Yañez, 2021), соғлиқни сақлаш соҳасидан хамшира ёки шифокорни умрбод йўқотилиши маҳсулдорликни кўп миллионлик йўқотилишга олиб келади. Латексга сезгир бўлган тиббиёт ходимларининг 50% да астма ривожланган

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

(Kevin J. Kelly, Gordon Sussman, 2017), COVID-19 пандемияси натижасида тиббиёт ходимлари кўл дерматити ўртача тарқалиши 21,08% дан 37,24% гача ошди (Jeevasunthari Gunasegaran, Ying-Ying Teh, Chin-Keong Lim, Shioh-Fern NG, 2024). Қўлланилган чора-тадбирларга қарамай, адабиёт манбаларида тиббиёт ходимлари саломатлиги хавфларини бошқариш учун замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича маълумотлар етарли эмас. Тиббиёт ходимлари саломатлигига таъсир қилувчи алоҳида омилларни бошқариш мақсадида касбий хавфларни олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар алгоритмини яратиш зарурияти янги чораларни ишлаб чиқишни тақозо қилади (Kevin J. Kelly, Gordon Sussman, 2017, Kim Liberatore, Kevin J. Kelly, 2018, Бухтияров И.В., 2018, M. De Amici, F. Barocci, С.Е. Barzaghi, L. Sacchi, A. De Silvestri, A. Licari, S. Caimmi, A. Marseglia, G. Testa, С. Torre, G.L. Marseglia, 2023).

Ўзбекистонда турли мутахассисликлар орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг тарқалишини ўрганиш бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Искандаров Т.И., 2020; Камилова Р.Т., 2018; 2020; Шайхова Г.И., 2019; 2022; Эрматов Н.Ж., 2020), бироқ тиббиёт ходимларининг саломатлигига таъсир қилувчи хавф омиллари етарлича ўрганилмаган.

Бугунги кунда латексга сезувчанликнинг олдини олиш муаммоси профилактик тиббиётнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Жарроҳлик клиникаларида тиббиёт ходимлари ўртасида касбий хавфларни ўрганиш бўйича республикада илгари тадқиқотлар ўтказилмаган. Шундай қилиб, COVID-19 коронавирус инфекцияси шароитида тиббиёт муассасаларида профилактика чоралари самарадорлигини оширишга имкон берувчи касбий касалликлар хавфини бошқаришни гигиеник баҳолаш асосида касалланиш хавфини, шунингдек, нохуш оқибатларни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида тиббиёт ходимлари ўртасида касбий хавф-хатарларни ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Аҳоли саломатлигига юқумли, гигиеник, техноген, экологик омиллар таъсири» (2021–2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 пандемияси даврида латекс билан мулоқотда бўлган ишчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишни гигиеник асослаш ва тиббиёт ходимлари ўртасида касбий касалланишни камайтириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус тузилган анкета-сўровномалар ёрдамида латекс билан касбий мулоқотда бўлган тиббиёт ходимлари (ТХ) да латексга сезувчанлик тарқалиш сонини аниқлаш;

жарроҳлик ва терапевтик йўналиш шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт

ходимлари орасида латексга сезувчанлик хавф омилларини аниқлаш;

латекс билан касбий мулоқотда бўлган тиббиёт ходимлари орасида асосий касалликларни аниқлаш;

тиббиёт ходимлари орасида касбий хавфларни йўқотиш, касбий касалланишни камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирлари тизимини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2022 йиллар давомида фаолият олиб борган 635 нафар тиббиёт ходимлари (Тошкент шаҳридаги 2-сонли болалар шаҳар жарроҳлик клиник шифохонаси ва У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари), назорат гуруҳи 82 нафар клиникалар маъмурияти ходимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровнома карталари, клиник-лаборатор текширув учун қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда латекс билан мулоқотда бўлган ишчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишни гигиеник асослашда гигиеник, клиник-лаборатор, ижтимоий (анкета-сўровнома) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиббиёт ходимлари орасида иш вақти, ихтисослик тури, шифокорларнинг кунлик юкламалари ҳамда латекс билан мулоқоти давомийлига қараб терининг сезувчанлик даражаси ва унинг асоратларини давомийлиги исботланган;

тиббиёт ходимларида атопия мавжудлиги ва латекс, резина, бошқа каучук аналоглари, кимёвий моддалар билан узоқ муддатли касбий мулоқот латексга сезувчанлик ривожланишининг асосий хавф омил эканлиги гигиеник жиҳатдан асосланган;

тиббиёт ходимларида латекс билан касбий мулоқотда бўлган латексни организмга аэроген, тери ва меъда-ичаклар орқали тушиши ҳамда қонда латексга нисбатан махсус Е иммуноглобулин миқдори эркакларга нисбатан аёлларда ишончли даражада ортиши исботланган;

тиббиёт ходимларида сурункали хасталиклар ва касбий хавфлар орасидаги ўзаро боғлиқлигини инобатга олган тартибда турли тиббиёт анжомларидан юзага келадиган касбий хавфларни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларининг тизимли гигиеник тартиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор латекс маҳсулотлари билан касбий мулоқотда бўлган жарроҳлик ва терапевтик йўналиши тиббиёт ходимлари ўртасида латексга сезувчанликнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган;

латексга яширин сезгирликни эрта аниқлаш учун чоралар тизими таклиф этилган;

латексга сезгирлиги бўлган тиббиёт ходимларининг касбий яроқлилигини аниқлаш ва касбий йўналтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган;

латекс буюмлари билан мулоқотда бўлган тиббиёт ходимлари орасида

латекс аллергиясини бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

латекс аллергиясини ташхислаш алгоритми тавсия қилинган ва тиббиёт ходимларида латекс аллергиясининг клиник ва лаборатор тавсифлари тақдим этилган;

скрининг сўровномаси маълумотлари бўйича COVID-19 пандемияси шароитида тиббиёт ходимларида латексга сезувчанлик мавжудлиги аниқланган;

латекс аллергиясини касб касалликлари рўйхатида киритиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объекти сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган ижтимоий, гигиеник, клиник, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида латекс билан мулоқотда бўлган ишчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишни гигиеник асослашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар тиббий кўриқдан ўтказиш ва тиббиёт ходимлари ўртасида касбий хавфларни аниқлашда назарий аҳамиятга эганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти латексга сезгирликни аниқлашнинг экспресс усуларини амалиётга жорий этиш, олинган маълумотларга асосланиб саломатликни бузилишининг касбий хавфини минималлаштириш, тиббиёт ходимларининг касбий ва умумий касалланишини камайтиришга қаратилган профилактик чоралари тизими тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 пандемияси шароитида латекс билан мулоқотда бўлган ишчиларда касалликлар профилактикасини гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: тиббиёт ходимлари орасида иш вақти, ихтисослик тури, шифокорларнинг кунлик юктамалари ҳамда латекс билан мулоқоти давомийлигига қараб терининг сезувчанлик даражаси ва унинг асоратларини давомийлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 21 майда 8н-р/406-сон билан тасдиқланган «Латексга сезувчанликни идентификация ва аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 2-н-сон, Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 12.12.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 23.12.2023 йилдаги 72т-§1-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024

йил 26 августдаги 05/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жарроҳлик ва терапевтик йўналишдаги шифокорлар, ўрта, кичик тиббиёт ходимлари ва маъмурият ходимларини чуқур комплекс текширувдан ўтказиш асосида сурункали хасталиклар ва касбий хавфларни, латексга сезувчанликни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитида мазкур асоратларни даволаш учун сарфланадиган 1310000 сўм бюджет маблағлари тиббиёт ходимларида латексга нисбатан сезувчанлик бўйича хавф гуруҳини эрта аниқлаш орқали иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: тиббиёт ходимларида атопия мавжудлиги ва латекс, резина, бошқа каучук аналоглари, кимёвий моддалар билан узоқ муддатли касбий мулоқот латексга сезувчанлик ривожланишининг асосий хавф омил эканлиги гигиеник жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 21 майда 8н-р/406-сон билан тасдиқланган «Латексга сезувчанликни идентификация ва аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 2-н-сон, Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 12.12.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 23.12.2023 йилдаги 72т-§1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жарроҳлик ва терапевтик йўналишдаги шифокорлар, ўрта, кичик тиббиёт ходимлари ва маъмурият ходимларини чуқур комплекс текширувдан ўтказиш асосида сурункали хасталиклар ва касбий хавфларни, латексга сезувчанликни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитида мазкур асоратларни даволаш учун сарфланадиган 1310000 сўм бюджет маблағлари тиббиёт ходимларида латексга нисбатан сезувчанлик бўйича хавф гуруҳини эрта аниқлаш орқали иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: тиббиёт ходимларида латекс билан касбий мулоқотда бўлган латексни организмга аэроген, тери ва меъда-ичаклар орқали тушиши ҳамда қонда латексга нисбатан махсус Е иммуноглобулин миқдори эркакларга нисбатан аёлларда ишончли даражада ортиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 21 майда 8н-р/406-сон билан тасдиқланган «Латексга сезувчанликни идентификация ва аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 2-н-сон, Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 12.12.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 23.12.2023 йилдаги 72т-§1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/61-сон хулосаси). *Ижтимоий*

самарадорлиги: жарроҳлик ва терапевтик йўналишдаги шифокорлар, ўрта, кичик тиббиёт ходимлари ва маъмурият ходимларини чуқур комплекс текширувдан ўтказиш асосида сурункали хасталиклар ва касбий хавфларни, латексга сезувчанликни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитида мазкур асоратларни даволаш учун сарфланадиган 1310000 сўм бюджет маблағлари тиббиёт ходимларида латексга нисбатан сезувчанлик бўйича хавф гуруҳини эрта аниқлаш орқали иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: тиббиёт ходимларида сурункали хасталиклар ва касбий хавфлар орасидаги ўзаро боғлиқлигини инобатга олган тартибда турли тиббиёт анжомларидан юзага келадиган касбий хавфларни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларининг тизимли гигиеник тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 21 майда 8н-р/406-сон билан тасдиқланган «Латексга сезувчанликни идентификация ва аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 2-н-сон, Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 12.12.2023 йилдаги 14-сон ҳамда Қашқадарё вилояти бошқармаси бўйича 23.12.2023 йилдаги 72т-§1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/61-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жарроҳлик ва терапевтик йўналишдаги шифокорлар, ўрта, кичик тиббиёт ходимлари ва маъмурият ходимларини чуқур комплекс текширувдан ўтказиш асосида сурункали хасталиклар ва касбий хавфларни, латексга сезувчанликни эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитида мазкур асоратларни даволаш учун сарфланадиган 1310000 сўм бюджет маблағлари тиббиёт ходимларида латексга нисбатан сезувчанлик бўйича хавф гуруҳини эрта аниқлаш орқали иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 пандемияси даврида латекс билан алоқада бўлган ишчилар ўртасида касалликларнинг олдини олишнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида COVID-19 пандемияси даврида латексга сезгирлик муаммосини ўрганишга бағишланган сўнгги йиллардаги адабий манбаларга шарҳ берилган, замонавий муаллифларнинг латекс ва латексни ўз ичига олган маҳсулотлар ҳақидаги, шунингдек, латексга сезувчанликни хавф омиллари ва ривожланиш механизмлари ҳақидаги маълумотлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 пандемияси даврида латекс билан мулоқотда бўлган ишчиларда касалликларнинг олдини олиш бўйича материаллар ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотлар Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг (ТХКМРМ) эпидемиология кафедрасида, Тошкент шаҳридаги 2-сонли болалар шаҳар жарроҳлик клиник шифохонасида ва клиник ва экспериментал тадқиқотлар У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонасида ўтказилди.

Тадқиқот учун материаллар қуйидагилардан иборат: латексга яширин сезгирликни аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган сўровнома анкеталари, шунингдек, ходимларнинг қони ва қон зардоби. Тадқиқот объекти Тошкент шаҳридаги жарроҳлик клиник шифохоналаридаги тиббиёт ходимлари эди.

Тадқиқотни бажаришда белгиланган вазифаларга мос келадиган замонавий гигиеник, клиник-лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот предмети махсус ишлаб чиқилган сўровнома - анкеталар. Тадқиқот 2-сонли болалар шаҳар жарроҳлик клиник шифохонаси ва У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонасида (Тошкент ш.) ўтказилди. 2-сонли болалар шаҳар жарроҳлик клиник шифохонасида танланган жамлама - 520 нафар ходимлар, улардан шифокорлар - 105, ҳамширалар - 235 ва кичик тиббиёт ходимлари - 114, бошқа мутахассислар – 66 нафар. У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонасида танланган жамлама – 197 нафар ходимлар, улардан шифокорлар – 30, ҳамширалар – 66 ва кичик тиббиёт ходимлари – 85, бошқа мутахассислар – 16 нафар.

Диссертациянинг «Тиббиёт ходимлари меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш» деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳар 2-сонли болалар шаҳар жарроҳлик клиник шифохонаси ва У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси тиббиёт ходимлари орасида ўтказилган сўровнома карталари бўйича ўрганиш натижалари келтирилган.


Сўровнома текшируви 20 ёшдан 70 ёшгача бўлган бир йилдан 50 йилгача иш стажига эга 717 нафар тиббиёт ходимини қамраб олди. Асосий гуруҳни 20 ёшдан 29 ёшгача (34,2%) ва 30 ёшдан 39 ёшгача (29,1%) ёшдагилар ташкил этди.

Касбий тажриба бўйича тақсимот қуйидагича бўлди: бир йилдан 5 йилгача бўлган иш тажрибаси билан - 28,6%, 6 йилдан 10 йилгача - 19,2%, 11 йилдан 15 йилгача - 18,2%. Ишчилар кунига 1 соатдан 8 соатгача латекс қўлқоп ёки латексни ўз ичига олган буюмларни ишлатишган. Скрининг текширувида 135 нафар хирургик ва терапевтик йўналишдаги турли мутахассислик шифокорлари, 199 нафар кичик тиббиёт ходимлари ва 301 нафар ўрта тиббиёт ходимлари иштирок этди ҳамда 82 нафар маъмурият ходимлари назорат гуруҳини ташкил қилди.

Скрининг сўровномалари таҳлили шуни кўрсатдики, 635 нафар ТХ ва 82 нафар назорат гуруҳидаги ходимларда латексга нисбатан сезувчанлик ҳолати мавжуд ёки йўқлиги ўрганилганда, назорат гуруҳида мусбат натижалар қайд қилинмади, асосий гуруҳда тиббиёт ходимларида қуйидаги натижалар олинди:

Шифокорлар орасида эркалар кўпроқ ($n=79$) бўлиб, аёллар ($n=56$) ни ташкил этган, ўрта тиббиёт ходимлари орасида, аксинча, эркаларга ($n=3$) қараганда аёллар ($n=298$) кўпроқ эди, кичик тиббиёт ходимлари фақат аёллардан ($n=199$) иборат, $P>0,05$, назорат гуруҳини тиббий маълумотга эга бўлмаган ходимлар (эркаклар $n=8$ ва аёллар $n=74$) ташкил қилди.


Эркаларнинг ўртача ёши $\pm 40,38$ ёшни (максимал ёши - 64 ёш, минимал - 21 ёш), аёлларнинг ўртача ёши $\pm 40,71$ ёшни (максимал ёши 69 ёш, минимал - 18 ёш) ташкил этди. Профессional таркибни жинс бўйича ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди (1-расмга қаранг).



1-расм. Асосий ($n=635$) ва назорат ($n=82$) гуруҳидаги сўровномада иштирок этган ТХ ларнинг ўртача ёши

Эркак тиббиёт ходимлари орасида нисбатан соғломлар (68) 75,56%, аёллар орасида (404) 64,43% ни ташкил этди. Шундай қилиб, амалий соғлом тиббиёт ходимлари (472) сўровнома ўтказилганларнинг 2/3 қисмини ташкил этди.

Скрининг анкеталарини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 51 (7,1%) ишчи латекс ўз ичига олган маҳсулотлар билан ишлашда турли хил реакциялар (ҳам маҳаллий, ҳам умумий) пайдо бўлишидан шикоят қилган, улардан 12,6% шифокорлар, 6,7% шифокорлар, 7,0% - кичик тиббиёт ходимлари (2-расмга қаранг).




2-расм. Латексга сезувчанлиги бўлган тиббиёт ходимлари (% да)

Ушбу гуруҳдаги шахсларнинг 64,5 фоизида поллиноз, экзема ёки дориларга реакция кўринишидаги ирсий аллергик анамнез аниқланган. 5 йилгача иш стажига эга (28,6%) ва 20 ёшдан 29 ёшгача бўлган (40,3%) шахслар устунлик қилди.

Кейинги қадам тиббиёт ходимлари орасида латекс аллергиясининг ташхиси бўлди. Шу мақсадда латексга хос махсус иммуноглобулин E (IgE) ни аниқлаш учун тест тизимларидан фойдаланилди. 51 нафар тиббиёт ходимининг иммунологик текшируви уларнинг 28 тасида (54,9%) махсус IgE даражасининг ошиши аниқланган. Кўпчиликда (41,2%) касбий иш стажини 1-5 йилни ташкил қилди, 52,3% эса ирсий аллергия анамнезига эга. Бундан ташқари, латексга хос IgE даражаси муолажа хона ҳамшираларида, шунингдек, клиник ва бактериологик лабораториялар ходимларида юқори бўлган. 100 МЕ/мл дан юқори концентрацияларда жами IgE 22 (43,1%) кишида топилган. Шу билан бирга, бир вақтда умумий ва махсус IgE нинг юқори даражалари 20 нафар (39,2%) ходимда аниқланди.


Эркаклар орасида юрак- қон томир тизими (ЮҚТТ) патологияси (6,1%), меъда-ичак тизими (МИТ) (4,88%), нафас аъзолари касалликлари (3,66%) устунлик қилган. Қандли диабет (ҚД) билан хасталанган эркаклар 2,44%, аллергик касалликлар тери шакли -2,44%, овқат аллергияси -1,22% ни ташкил қилган (3-расмга қаранг). Шундай қилиб, эркакларда юрак қон томир тизими

касалликлари ва меъда-ичак ва респиратор патология устунлик қилган.




3-расм. Асосий гуруҳда сўровнома ўтказилган эркаклар орасида ёндош патологиянинг тарқалиши (n=82), %.

Аёлларда МИТ (10,13%), нафас аъзолари (8,68%) патологияси, овқат аллергияси (5,97%), ЮҚТТ патологияси (3,25%) ва бошқа касалликлар устунлик қилган (4-расмга қаранг). Шундай қилиб, аёлларда нафас йўллари патологияси, сўнг меъда-ичак касалликлари ва овқат аллергияси устунлик қилди.



4-расм. Асосий гуруҳда аёллар орасида ёндош патологиянинг тарқалиши (n=553), %.

Латексга сезувчанликка эга ТХ орасида ёндош касалликларнинг бир нечта гуруҳлари аниқланди: биринчиси - меъда-ичак касалликлари билан оғриган эркаклар (35,29%), нафас аъзолари касалликлари (19,61%), ЮҚТТ касалликлари (13,73%), қалқонсимон без касалликлари ҳамда жигар ва ўт йўллари касалликлари (9,8%), буйрак касалликлари билан хасталанганлар (5-расмга қаранг).



5-расм. Латексга сезувчанлиги бўлган тиббиёт ходимлари орасида соматик касалликлар учраш частотаси (n=51)

Иккинчи гуруҳга МИТ касалликлари билан оғриган аёллар (34,04%), нафас олиш тизими касалликлари (19,15%), ЮҚТС касалликлари (14,89%), қалқонсимон без ва жигар ва ўт йўллари касалликлари (8,51%), буйрак касалликлари билан хасталанган шахслар (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Латексга сезувчанлик кузатилган ТХ да соматик касалликлар учраш частотаси, $P \geq 0,05$

Касалликлар	жаъми	эркаклар	аёллар
Эндокрин тизим (Қалқонсимон без) касалликлари	9,8±2,69		10,64±,04
Юрак-қон томир касалликлари	13,73±3,77		14,89±4,26
Веналар касалликлари	1,96±0,54		2,13±0,61
Нафас аъзаолари касалликлари	19,61±5,38	25±6,86	19,15±5,47
Меъда-ичак касалликлари	35,29±9,69	50±13,72	34,04±9,73
Жигар ва ўт йўллари касалликлари	9,8±2,69		10,64±3,04
Таянч-ҳаракат тизими касалликлари	1,96±0,54		2,13±0,61
Сийдик-таносил тизим касалликлари	7,84±2,15		8,51±2,43
Гинекологик касалликлар	3,92±1,08		4,26±1,22
Амалий соғломлар	21,57±5,92	50±13,72	19,15±5,47

Хулоса қилиш учун шуни таъкидлаш керакки, яқин келажакда латекс маҳсулотлари кундалик ҳаётда ва саноат ишлаб чиқаришида ўз аҳамиятини йўқотмайди, шунингдек, гепатит ва ОИВ инфекциясидан энг яхши ҳимоя бўлиб қолади. Тажриба ва тўпланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, латекс маҳсулотлари камроқ аллерген хусусиятларга эга бўлишига умид қилинади.

Қўлқоп кийганда тошма - 14,2%, қичишиш - 21,3%, тери қуруқлашиши - 64,5% каби тери кўринишлари намоён бўлди. Респиратор аллергия

белгиларининг намоён бўлиши 19,15% ҳолатда қайд этилган: респиратор аллергиянинг энг кўп кўриниши ринорея бўлган - 84,5%. Латекс маҳсулотлари билан ишлашда ўрта тиббиёт ходимларининг 12,9% (100 киши) орасида кўзлар ва халқумнинг реакцияси билан биргаликда кўл терисининг реакцияси кузатилди. Ушбу гуруҳдаги ўрта ТХ нинг 50% ида кўлларнинг орқа қисмида тошма пайдо бўлиши билан ринитнинг комбинацияси қайд этилган. Дам олиш кунларида барча респондентларда алергик реакциялар пасайиш тенденциясига эга бўлди ва узок дам олиш кунларида улар бутунлай йўқолди, бу зарарли омилнинг 3.1 синфга мансублигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Тиббиёт ходимлари организмга таъсир этувчи асосий зарарли омиллар ва латексга сезувчанликнинг олдини олиш**» деб номланган тўртинчи боби тиббиёт ходимлари учун тавсияларни ўз ичига олган. Соғлиқни сақлаш ходимлари замонавий ижтимоий ҳаётнинг барча реал муаммоларини бошдан кечираётган, аммо аҳолининг тиббий тармоқ билан оммавий алоқалари пайтида маълум даражада ушбу муаммоларни амортизация қилишга чақирилган аҳолининг ижтимоий гуруҳларидан биридир. Шундай қилиб, тиббиёт ходимлари ҳам ўзларининг ҳаётий муаммолари, ҳам беморларнинг муаммолари орасида бўлиб, маълум даражада икки томонлама ижтимоий-психологик юкломани бошдан кечирмоқда.

Шундай қилиб, шифокорлар учун меҳнат шароитлари бўйича касбий хавф шифокорнинг ихтисослигига қараб паст ёки юқори деб ҳисобланади; ҳамширалар учун - паст, кичик тиббиёт ходимлари учун - ўртача.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш муассасаларини мураккаб рентген, радиологик, электрон, электротиббиёт ва лазер ускуналари билан жиҳозлаш сезиларли даражада ошди. Тиббиёт ходимларига таъсир қилувчи кимёвий омилларнинг хилма-хиллиги ошди: дори-дармонлар, органик эритувчилар, кислоталар, ишқорлар, дезинфекциялаш воситалари ва бошқалар. Бу, бир томондан, тиббиёт муассасаларининг ишлаш даражасини ва тиббий ёрдам сифатини оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан, тиббиёт ходимларини янги – етарлича ёки тўлиқ ўрганилмаган меҳнат шароитларига солмоқда.

Ҳозирги вақтда тиббиётда ишлатиладиган дезинфекциялаш воситаларининг кенг ассортименти ва турли хил тиббий қўлқоплар мавжуд. Энг кенг тарқалган латекс қўлқоплардан фойдаланиш турли хил алергик реакциялар (контакт дерматит, экзема, қаварчиқлар) ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу ҳолат бошқа турдаги қўлқоплар (нитрил, винил, неопрен ва бошқалар) учун жуда кам кузатилади. Тиббиётда пудрала қўлқоплардан фойдаланиш ходимларда аллергия хавфини ошириши ва беморларда салбий реакцияларни келтириб чиқариши мумкин, чунки қўлқоп кийишни осонлаштирадиган кукун таркибида талк ва крахмал мавжуд. Замонавий дезинфекциялаш воситаларидан бири изопропил спиртига асосланган препаратлар бўлиб, улар микроорганизмларнинг кенг доирасига қарши аниқ антимикроб таъсир кўрсатади, аммо терига таъсирловчи таъсир кўрсатмайди.

Шу билан бирга, улар ТХ ларнинг бел қисмидаги турли даражадаги оғриқнинг асосий сабаблари сифатида мажбурий иш ҳолати (жарроҳлар,

реаниматологлар) ва оғир юкларни кўтариш (ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари) қайд этишади. Оғир касал беморлар билан ишлаш учун турли ёрдам воситаларининг йўқлиги бел-думғаза соҳасидаги оғриқлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларидан биридир. Таянч-ҳаракат тизимининг ортиқча юкланиши кичик ва ўрта тиббий ходимлар орасида юқори, бу оғир беморларни кўчириш зарурати билан изоҳланади.

Бел жароҳатларига мойил бўлган хавф омиллари орасида беморнинг оғирлиги ва тез-тез оғирликларни кўтариш киради. Кўпинча шифокорлар оғир беморларни кўчиришда ҳам иштирок этадилар, бу ишнинг оғирлигини ўрганишда ҳисобга олинмайди.

